

ОКТАБР—ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ!

Ўтган ўн кунликда яхши ишлаб, кўчма Қизил байроқни қўлга киритдик. Лекин кейинги икки-уч кун ичида ишни бўшаштириб юбордик. Натижада областда, айниқса Бекобод, Бўка, Калинин ва бошқа бошқармаларда суръат жуда пасайиб кетди. Агар теримни жадаллаштирсак, бўшашувчилик ва хотиржамликка барҳам бермасак, байроқни қўлдан бой бериб қўйишимиз мумкин.

ПАХТАНОР ЎРТОҚЛАР! Эл-юрт олдида уялиб қолмайлик десангиз, бутун кучни теримга сафарбар қилиб, ҳар куни 3—4 процентдан пахта тайёрлаш учун курашайлик!

„ОЛТИН КИТОВ“ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ПЕШҚАДАМ БРИГАДАЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент кишлоқ область комитети ва область ижроия комитети 1 октябрга қадар пахта тайёрлаш давлат планини муваффақиятли сурада бажарган ва кўшимча социалистик мажбуриятлар олган куйидаги ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг жуда яхши ишлаётганликларини қайд қилиб ўтди: Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Победа» колхозидан Т. Барабоев, Димитров номи колхозидан У. Расулов, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Н. Собиров, шу совхоздан М. Аҳмедов (Тошкент кишлоқ хўжалиги институтининг студентлар бригадаси); Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхозидан Н. Д. Каритин, Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленин йули» колхозидан Қ. Илсбеков, Охунбобоев номи колхоздан М. Ортиқов.

Тошкент кишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети қарор қилдилар: илгор бригадаларнинг бошчилари Тошгул Барабоев, Ускен Расулов, Нурухун Собиров, Мухаммадjon Аҳмедов, Николай Данилович Каритин, Қоржибой Илсбеков ва М. Ортиқов ўртоқларга ташаккур эълон қилинсин ва уларнинг номлари област «Олтин китови»га ёзилсин.

ИЛГОР МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР

Янгийўл бошқармасидаги Киров номи колхозининг механик-ҳайдовчиси Турсуной Охунова қисқа вақт ичида 72 тонна, 1-«Оққўрғон» совхозидан Ҳ. Йўлдошев 90 тонна, Оққўрғон бошқармасидаги «Ленинбод» колхозидан П. Тошхўжаев 68 тонна, О. Саидхўжаев 62 тонна ва шу бошқармадаги Киров номи колхоздан В. И. Морозов 62 тонна пахта теришди.

Ўзбекистон КП Тошкент кишлоқ область комитети ва область ижроия комитети қарор қилдилар: машинада пахта териш юзасидан берилган мавсумий нормани ортиги билан бажарган илгор механик-ҳайдовчилардан Турсуной Охунова, Ҳамидjon Йўлдошев, Пўлат Тошхўжаев, Ойхўжа Саидхўжаев, Владимир Иосифович Морозов ўртоқларга ташаккур эълон қилинсин ва уларнинг номлари област «Олтин китови»га ёзилсин.

КАДРЛАРИМИЗ БИЛИМДОН БЎЛСИН

Биринчи октябрда бутун мамлакатимиздаги каби областимиз шаҳарлари ва саноат районларида ҳам партия сиёсий маориф шохобчаларида янги ўқув йили бошланди. Бу йилги ўқув йилининг алоҳида аҳамияти шундаки, у партия Марказий Комитети июнь Пленуми тарихий қарорларининг юксак талабларини амалга ошириш шiori остида ўтади. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми идеология масалаларига бағишлаб қабул қилинган «Мехнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида шонли партиянинг қарорларининг яна бир янги ёрқин ифодаси бўлди.

Партия сиёсий маорифи чинакамга миллионларнинг Ленинга университети бўлиб қолди. Областида партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг сиёсий ва назарий билимларини ошириш мақсадида сиёсий маориф шохобчаларида янги ўқув йилига КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг юксак талабларини асосида ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилар.

Шаҳар, район ва бошланғич партия ташкилотлари сиёсий маориф системасида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш, яъни тўғрақ ва семинарлар, сиёсий мактаб ва ҳаққ университетларини тузиш, пропаганда тартибларини тайёрлаш ва уларни ўқитиш бўйича жуда катта ташкилотчилик ишларини амалга оширишди. Натижада сиёсий маориф шохобчаларининг ҳам, улардаги тингловчиларнинг ҳам сон ўтган йилдагига қараганда анча кўпайди. Ўтган йили областимиз шаҳарларида сиёсий маориф шохобчаларининг турли формаларида 154 минг 103 киши ўқиган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 200 минг кишига етди. Мехнаткашларни ўқиган жалб этишда айниқса Фрунзе район партия комитети яхши ташаббус кўрсатди. Райондаги ишчи ва хизматчиларнинг деярлик 75 проценти кечки ва сиртки сиёсий ва профессионал-техника ўқишларининг ҳар хил турларига жалб қилинди.

Бу йилги ўқув йилида ишчиларнинг техника-иқтисодий малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Сиёсий ўқувнинг бу турида машғулотлар шундай ташкил қилинадик, унда ишчилар ўз малакаларини оширадилар, тажрибаларини такомиллаштирадилар ва айни вақтда иқтисодий ва сиёсий билимларини ҳам эгаллайдилар. Ленинградликлар ташаббуси асосида кўпчилик жойларда коммунистик меҳнат тажрибаси мактаблари ҳам ишлаб бошланди. Бу мактаб тингловчилари ўз малакаларини ошириш билан бирга ишлаб чиқариш экономикасини, коммунистик руҳининг ахлоқ кодексини ўрганадилар.

Мазлумки, шу йилнинг бошларида КПСС Марказий Комитети Тошкент шаҳар партия ташкилотлари раҳбар кадрлар билан олиб борилаётган гойий-тарбиявий ишлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Марказий Комитет бу соҳада жиддий камчиликлари очиб ташлади. Шу билан бирга раҳбар кадрлар билан олиб бориладиган гойий-тарбиявий ишлар савиясини шу кунинг талаблари даражасига кўтаришнинг аниқ йўл-йўқларини ҳам қўрсатиб берди. Марказий Комитет кенг меҳнаткашлар оmmasи ўртасида идеология иши доирасини кенгайтириш мақсадида барча зенадаги раҳбарларнинг — партия аппарат хизматдорларини, шунингдек, раҳбарларнинг гойий жиҳатдан тарбиялашнинг кескин яхшиланиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Марказий Комитетнинг ана шу қарори асосида бу йил жойларда раҳбар ходимларнинг ўқишини ташкил этишга катта эътибор берилди. Жумладан, Тошкент шаҳар партия комитети ҳузурида икки йиллик «Коммунистик жамият қуриш назарияси ва практикаси» университетини тузилиди. Худди шундай тадбирлар областимиздаги бошқа шаҳар партия комитетлари томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Маркча-Ленинча назарияни, КПСС XXII съезди, партия Программаси, Марказий Комитетнинг ноябрь ҳафта июнь Пленумлари томонидан илгари сурилган энг муҳим назарий проблемалар ва амалий вазифаларни чуқур ўрганиш ҳамда буржуа идеологияга қарши, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатиди ревизионизмнинг ҳар қандай қўрилишларига қарши, доғматизм ва сектантликка қарши курашни каби ҳозирги замоннинг муҳим проблемаларини ҳар тарафлама ўрганиш—сиёсий маориф ишнинг асосий моҳиятини ташкил этишнинг керак.

Бошланғич партия ташкилотлари машғулотларининг юксак савияда бўлишини, тингловчиларнинг актив иштирок этишини таъминлаш лозим. Махаллий партия ташкилотлари сиёсий маориф шохобчаларидаги машғулотларини ҳаётга ва коммунистик қуришнинг амалиётига маҳкам боғлаган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Сиёсий маориф шохобчаларининг ишдан доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш, бу соҳадаги камчиликларнинг ўз вақтида олдини олиш, машғулотларнинг жонли ва ҳаётини таъминлаш — партия ташкилотларининг жонажон ишлари.



«Поларная звезда» колхозининг механизаторлари Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасида биринчи бўлиб машина теримни планини бажарган эдик. Улар пўлат агрегатлар билан 1200 тоннадан ортқи «оқ олтин» теришди. Сурада: машина теримни планининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшган азаматлардан бир гуруписи (чапдан) Абдулла Ҳасенов, Бўри Шорахмедов, Ни Гисун, Ли Ана-толий ўртоқлар. Буларнинг ҳар бири «зангори кема»лар билан 65-90 тоннадан пахта теришди.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (2486)

5 октябрь, шанба, 1963 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ТУРСУНОЙЧИЛАР



Тонна-тонна «оқ олтин» хирмонларининг тобора кўпайишида турсунойчи қизларимизнинг ҳиссаси натаддир. Сиз бу суратларда (юқорида) Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Северный маяк» колхозининг механик-ҳайдовчилари Маматова Масгутува, Мариям Габилова, (пасда) Оққўрғон бошқармасидаги «Партия XIX съезди» колхозининг механик-ҳайдовчиси Ойниса Жаилиева ўртоқларини кўриб турибсиз. Булар ҳозиргача 60—70 тоннага яқин пахта теришди.

А. Губенко ва Х. Эралиев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ИККИ ЮЗ МИНГ ТОННА ПАХТА ТЕРИШДИ

Ўзбекистон механизаторларининг машинада терган пахтасини икки юз минг тоннага етди. Улар йиллик тошмирларини қариб ўздан бир қисминини адо этди, техника ёрдами билан 675 минг тонна пахта териш қандайдиган ўз социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш учун мусобақани янада кенг аяқ олдириб юбордилар.

Тошкент областининг механизаторлари планини қариб яқин бажардилар. Улар сирдарёликлар билан биргаликда агрегатларнинг бункерларидан бир юз ўн минг тоннадан кўпроқ пахта тўқидилар. (ЎТАГ).

Жазоир ҳукумат делегациясининг кишлоқ хўжалик ва ер ишлотиши министри Аҳмад Махсас бошчилигидаги бир гурупа аъзолари 3 октябр кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бўлидилар.

Дўстона суҳбат вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ленинча миллий сиёсатини амалга ошириш асосида республикада юз берган ўзгаришлар билан меҳмонларни таништирди.

Ўз навбатида Жазоир кишлоқ хўжалик ва ер ишлотиши министри Аҳмад Махсас Ҳалқ

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ МАЖБУРИЯТИ

Янгийўл (ЎТАГ). Етти йил. Ўзбекистоннинг йилдан-йилга етиштирилиши кўпайтириш учун бошланғич мусобақанинг ташаббускорлари — Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасида илор юзга яқин агрегат пахта термошди. Механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункерларидан кўпайиб «оқ олтин» тўқидилар.

Киров номи колхоз механизаторлари юксак кўрсаткичларга эришдилар. Улар бир агрегатда кунига ўрта ҳисобда тўрт тоннадан, «зангори кема» капиталилари Шахан Тайфуров, Кучали Турсунов, Иброҳим Алимов, Олдиберган Абдуқодиров ва бошқа кўп механизаторлар кунига беш-олти тоннадан пахта термошди. Колхознинг механик-ҳайдовчилари бир кунда йиллик планининг уч процентидан кўпроқ миқдорда пахта тошмирларидилар. Улар ўзларининг аввалги мажбуриятларини қайтадан қараб чиқдилар ҳамда 19 минг тонна, яъни планда белгиланганга нисбатан 4 минг тонна ортқи пахтани машинада теришга аяқ қилдилар.

Охунбобоев номи колхоздан бригада бошлиғи Турсуной Рахмонова юқори иш унумига эришиб, кунига 6 тоннадан пахта термошди. Бу йил у ўз устозин Турсуной Охунова ваъда қилган миқдорда, яъни 200 тонна пахта теришга

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Ўртоқ Қ. Илсбеков бошчилик қилган деҳқонлари йил бошида «Самарали меҳнат қилиб қолоқ»

ликдан чиқариб, пахта ҳосилдорлигини камиди 25 центнерга етказиш» деб Ўрта Чирчиқдаги «Ленин йули» колхоз аъзолари «Ленин йули» эдилар. Мана энди, йил ишчи оқанди. Биринчи пахтакорлари Урта Чирчиқ социалистик революциясининг шонли 45 йиллик байрами шарафига меҳнат кўтаринкилигини ошириб, кунчи кема пахта тайёрлаш билан планини 110 процент қилиб бажаришга қараб қараб рапорт беришди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 20 центнердан ортқи ҳосил қўрилди.

— Ҳали пайкалларимизда ҳосил кўп, — дейди бригадир ўртоқ Қ. Илсбеков, — эл-юрт олдида берган сўғимизнинг устидан чиқиб учун айрим-теримни сира бўйлаштираман.

П. ТОЖИЕВ,
М. МАМАТҚУЛОВ.



Планга нисбатан процент ҳисобида: 1-устун — бошқармалар, иккинчиси — кунлик ўсиш, учинчиси — мавсум бошдан, тўртинчиси — машина теримининг бир кунлиги, бешинчиси — жами, олтинчиси — қоп-қанораси ташини.

	Оққўрғон	Юқори Чирчиқ	Ўрта Чирчиқ	Янгийўл	Калинин	Бўка	Бекобод	Область бўйича
2,87	65,16	4,23	81,16	2,21	60,17	1,83	38,83	65,96
2,00	57,03	2,43	53,75	2,15	46,55	2,55	33,77	61,56
1,95	40,81	1,00	20,23	2,25	39,74	2,79	31,77	52,10
1,93	35,39	2,89	30,20					45,24
2,23	48,90	2,89	46,05					62,71

ИЛГОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Совети секретариинг учинчи йил қўлидаги областларда, ишлаб чиқариш бошқармаларида дағал хашак тайёрлаш ва саноат бостиришдаги мусобақага аяқ юсдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғига Тошкент областига (кишлоқ область партия комитетининг секретари ўртоқ Абдулқодиров, кишлоқ область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шайхон кишлоқ хўжалик бошқармасининг бошчилигидаги «Оқ йўл» берилади. Бу област дағал хашак тайёрлаш планини 100 процент, саноат тайёрлаш планини 93,7 процент бажарган, саноат тайёрлаш учинчи йил қўлидаги 6,6 процент миқдорда дағал хашак тайёрлашга ва 3,6 процент миқдорда саноат бостиришга эришган. Қизил байроқ Хоразм областидан олиб берилади.

Кўчма Қизил байроқ сентябрнинг учинчи йил қўлида 16,6 процент миқдорда дағал хашак тайёрлаш ва 7,7 процент миқдорда саноат бостиришга эришиб, йиллик дағал хашак тайёрлаш планини 73,2 процент, саноат бостириш планини 63 процент бажарган Андижон областидан Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасида (бошқарма бошлиғи ўртоқ Васильева, партия комитетининг секретари ўртоқ Мамажонов) берилади. Байроқ Хоразм бошқармасидан олиб берилади.

Шунингдек, Қизил байроқ Сурхондарё областидан Шеробод ишлаб чиқариш бошқармасида (бошқарма бошлиғи ўртоқ Давлатов, партия комитетининг секретари ўртоқ Мухаммадиев) берилади. Бу бошқарма сентябрнинг учинчи йил қўлидаги 9,1 процент миқдорда дағал хашак тайёрлаш, йиллик дағал хашак тайёрлаш планини 100,4 процент, саноат бостириш планини 75,8 процент миқдорда бажаришга эришган. Байроқ Шовот бошқармасидан олиб берилади.

Калинин, Ғаждулов ва Кесал ишлаб чиқариш бошқармаларида дағал хашак тайёрлаш ва саноат бостириш ишлари яхши ташкил этилганлиги қайд қилинди.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР

Демократик Жазоир Республикаси ҳал қилаётган проблемалар тўғрисида таниди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Е. С. Насриддинова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзоллигига кандидат И. М. Нахитов қатнашдилар.

Шундан сўнг, жазоирлик меҳмонлар тўқимачилик компанияга бордилар. Улар корхона раҳбарлари билан суҳбатлашиб, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, техника тараққиёти

учун курашда тўқимачилар эришган ютуқлар билан қизиқдилар.

Меҳмонлар тушдан кейин Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасида «Ленинизм» колхозига боришди. Уларни колхознинг хўжалик ҳаётининг ҳамма томонлари қизиқтирди. Меҳмонлар колхоз тузилиши вақтида меҳнатнаш деҳқонлар дастлаб нима ишлар қилганликлари, хўжалик экономикасини ривон-лантира бориб, қандай проблемаларини ҳал этганликлари аниқсана батафсил суриштиришди.

Делегация аъзолари академик Р. П. Шредер номи Ўзбекистон бодгорилини, узуминлиги ва виночилик илмий тадқиқот институтига бўлиб, олимлар яратган янги мева ва резвор навлари билан атрафлича танишиб чиқдилар.

Ўзбекистон ССР ҳукумати делегация аъзолари шарафига зиёфат берди. Зиёфат самимий, дўстона вазиёда ўтди.

Жазоир ҳукумат делегациясининг аъзолари 3 октябр кунини кечкурун Москвага жўнаб кетдилар. (ЎТАГ).

